

Фидойилигингиз, саховатингиз учун ташаккур, азиз юртдошлар!



17:45 / 03.05.2020 2117

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Расулуллоҳга дурудун салавотлар бўлсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти, islom.uz портали, muslimaat.uz сайти, «Гранд таълим» НТМ жамоаси ташаббуси билан, сиз азизларнинг – минглаб жонкуяр, фидойи юртдошларимизнинг ёрдами билан сирдарёлик юртдошларимиз учун ёрдам қарвони ташкил этилди.

Бугун 3 майгача жамланган озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, дори-дармонлар, ўйинчоқлар ва бошқа турдаги жами 100 тоннага яқин маҳсулотлар юкланган юк машиналари қарвони Гулистон шаҳрига етиб борди. Барча юклар «Туркистон С» универсал озиқ-овқат базасига етказилиб, мутасадди ташкилотлар ва масъулларга ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Сирдарё вилояти вакиллиги ходимларига топширилди.

Айни дамда кейинги ёрдам карвони учун жонбозлик ва саховат кўрсатаётган юртдошларимиздан тинимсиз келиб тушаётган хайрия маҳсулотларини ҳам саралаб, юк машиналарига жойлаяпмиз. Иншааллох, эртага иккинчи карвон ҳам Сирдарёга йўл олади.

Эслатма: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси, 5-уйдаги хайрия штабига эртадан кийим-кечак ва кўрпа-тўшаклар кўринишидаги хайриялар қабули тўхтатилганини маълум қиламиз.

Аҳоли яшаш масканлари, хонадонларга талафот етганлиги сабабли, сирдарёликларда қурилиш маҳсулотларига эҳтиёж юқори экан. Шунинг учун ёрдам кўрсатмоқчи бўлган юртдошларимиздан қурилиш маҳсулотлари қабул қилинади. Шунингдек, узоқ сақланадиган, тез бузилмайдиган, қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам қабул қилинади.

Аллоҳ таоло бу хайр-эҳсонларнинг ўрнини бу дунёда ҳам, у дунёда ортиғи билан тўлдирсин, Рамазон ойининг баракоти билан ажру савобини чандон ошириб берсин!

Ҳимматингизга балли, азиз юртдошлар!



















